

ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН БУГУНГИ КУНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЙ ХАРАКАТЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР

Шоимқурова Мавлуда Холмурод қизи

Терmez Давлат Университети Академик лицейи уқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7424387>

Аннотация. Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаштагандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириши биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу маколада лицей талабаларининг таълим сифатини ошириши учун бугунги кунда олиб борилаётган сай харакатлар ва изланишлар хакида суз юритилган.

Калим сўзлар: таълим берииш фаолияти, интеллектуал тараққиёт, комилликка эришиши, олий таълим тизими, янги сифат босқичи.

СОВРЕМЕННЫЕ УСИЛИЯ И ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ПОВЫШЕНИЮ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ ЛИЦЕИСТОВ

Аннотация. Современную жизнь сегодня невозможно представить без прогресса науки и образования, человечество как бы вращается вокруг оси науки. Недаром развитие образования в ведущих странах мира определено в качестве первоочередной задачи. Ведь будущее развитие страны тесно связано с ее достижениями в этой области. В этой статье много мероприятий и исследований, проводимых сегодня для повышения качества обучения младших школьников.

Ключевые слова: образовательная деятельность, интеллектуальное развитие, совершенствование, система высшего образования, новый качественный этап.

CURRENT EFFORTS AND RESEARCHES TO IMPROVE THE QUALITY OF EDUCATION OF LYCEUM STUDENTS

Abstract. Modern life today cannot be imagined without the progress of science and education, humanity seems to revolve around the axis of science. It is not for nothing that the development of education in the leading countries of the world is defined as the first task. After all, the future development of the country is closely related to its achievements in this field. In this article, there are many activities and researches conducted today to improve the quality of education of littsey students.

Keywords: educational activity, intellectual development, perfection, higher education system, new quality stage.

Бугунги кунда таълим тизими фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қиляпти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш контсептсияси қабул қилинди. Ушбу хужжатга

интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инноватсион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интегратсиясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концентрация мазмунини мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инноватсион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишиланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқи ҳам ана шундан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Ўзбекистон таълим соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда, жумладан, ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортятти. Инноватсион йўналишидаги алоҳида давлат тузилмалари ташкил этилиб, олий ўқув юртларида ҳам янги бўлинмалар очилмоқда. Буларнинг барчаси олий таълимга бўлган ёндашувни ўзгартириб, унинг сифати ҳамда даражасини кўтаришга хизмат қилиши аниқ. Жумладан, бизнинг институтда ҳам.

Шу ўринда Президентимизнинг 2016 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган олимлару зиёлилар билан учрашуви ёдга тушади. Ўшанда давлат раҳбари мамлакатимиз саноати, аграр тармоғи ва умуман, иқтисодиётида хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технология ҳамда жиҳозларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратганди. Ўзбекистондаги йирик таълим даргоҳининг раҳбари сифатида мен бу фикрни ўзимга ҳамда институтимиз жамоасига ҳам тегишли, деб қабул қилдим. Негаки, гап рақамли ечимлар асосида ишлайдиган мураккаб технологик комплекслардан тортиб, то оддий муҳандислик ишланма ва ускуналаригача четдан келтирилаётгани ҳақида борар эди.

Таълимнинг асосий вазифаларини, мавжуд илмий салоҳият ва алоҳида шахсларнинг истеъдодини давлатнинг, унинг тузилмалари ҳамда иқтисодиёти тармоқларининг амалдаги эҳтиёжларига мослаштириш жуда муҳим. Агар шундай қилинмаса, бир кун келиб, тамаддундан йироқлашиш, мамлакат учун кераксиз, ортиқча дахмазага айланниб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Бугун тобора кучайиб бораётган талабларга жавоб бериш мақсадида ҳаракат қилиш зарурлигини чуқур хис этяпмиз. Олдинга, янгиланиш сари бир неча қадам қўйиш учун эса халқимиз асрлар давомида тўплаган бебаҳо тажриба, яъни кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамда илмий-таълимий соҳада эришилган ютуқлар, услубий, тузилмавий, моддий ва ниҳоят, инноватсион ривожланиш тажрибасини ҳисобга олиш ҳамда ундан фойдаланиш лозим. Айни шундай йўл — янгиланиш ва кашфиётлар йўли — Тошкент ирригатсия ва

қишлоқ хўжалигини механизатсиялаштириш мұхандислари институтини замонавий тадқиқотлар университетига айлантириш йўлидир.

Тадқиқотлар университетини яратиш энг асосий мақсад эмас ёки урфга берилиш ҳам эмас. Бу таълимий ва илмий фаолиятни инноватсион ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиш, деганидир. Дунё тажрибаси қўрсатишича, тадқиқотлар университетини шакллантиришнинг мұхим омили унинг кўп функцияли бўлиши, таълим — фан — ишлаб чиқариш “занжири”да инноватсион жараёнларнинг қўллаб-куватланиши билан боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакат раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган вазифа — Ўзбекистон иқтисодиётига инноватсияларни жорий этишни жадаллаштириш — кўп жиҳатдан унинг янгиланаётган тузилмасини шакллантиришга боғлиқ. Тузилма таркибида энг аҳамиятли ўринни илмий-таълимий соҳа эгаллайди. Бу эса институтсионал тизимнинг, яъни олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаштириш мұхандислари институтининг мавқеини янада кўтариш, мустаҳкамлаш билан чамбарчасдир.

Ўзбекистоннинг агросаноат комплексини ривожлантириш стратегиясини тузища инноватсиялар билан қуролланган янги авлоднинг билим ва кўникмаларига таянувчи иқтисодиётни шакллантиришдан бошқа йўл йўқ. Илмий-таълимий соҳанинг юқори салоҳияти қишлоқ хўжалиги ҳамда ирригатсия секторида инноватсиялар жорий этилишини таъминлар экан, ушбу ижтимоий-иктисодий тузилма мамлакатнинг макроиктисодий тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги давр талаб этаётган инноватсияларни амалга ошириш учун эса илмий-таълимий соҳанинг ўзи ҳам энг замонавий инноватсион технологияларни ўз фаолиятига татбиқ қилиши лозим. Бу иш илмий-таълимий соҳанинг инноватсион ривожланишини бошқаришга мўлжалланган технологиялар, механизмлар ва усулларни такомиллаштиришни тақозо қиласди. Булар:

- инноватсион инфратузилмани шакллантириш, унинг асосий элементлари бўлган технопарклар, кластерлар, технополислар ва бизнес-инкубаторлар;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг макроиктисодий интегратсияси — у институт атрофида кластер тузилмалари билан тўлдириладиган, ихтисослаштирилган илмий-техник ва иқтисодий майдончани шакллантиришга олиб келади;
- қулай таълим жараёнини ташкил этиш — бунда илмий тадқиқотлар, таълим ҳамда фаннинг инноватсион фаолигини оширишга хизмат қилувчи шароитлар, яъни ўқитувчилар, докторантлар, магистрант ва талабаларни илмий ишланмаларга жалб этиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади;
- илмий-техник ҳамда иқтисодиётнинг инноватсион соҳасида ишлашга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари.

Макола сунгидаги президентимизнинг куймдаги суzlарини келтириб утмокчимиз:

«Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.»

Шавкат Мирзиёев.

REFERENCES

1. Узбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Қарори. “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”, 2017 й., 15 март.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.ф.дисс.С.Пб.1993.
3. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов М., Тайлоқов Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун / ЎзМЕ давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2008. 196- б.
4. Ибрагимов И. Информационные технологии и средства дистанционного обучения : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И. Ибрагимов под ред. А. Ковшова. 2е изд., стер. М.: Издательский центр “Академия”, 2007. 336 с.
5. Абдуманонов А., Алиев Р., Ботиров М., Карабаев М.Использование ИКТ в образовательном процессе примушества, проблемы и пути их решения. // Таълим технологиялар Илмий услубий журнал, № 3(59). Тошкент, 2016. 7984 б.